



5.000.000

ТОННА ТАСИЁР!

УЛКАН „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИНИ УЙГАН ОЛТИН ҚУЛЛАРГА ОФАРИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 213 (5306).

30
ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

БЕКОВОД ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бекобод район пахтакорлари ва механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг октябрдаги Чақириқларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, улуғ байрам яқинлашаётган кунларда катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга пахта етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Давлат оморларига 60 минг 333 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу халқ хўжалик планидига қараганда 10 минг 33 тонна қўндр.

Шу нарса яна ҳам қувончликни, районда машинада пахта териш топшириғи ҳам анча ошириб адо этилди. 33 минг урнига 41 минг 65 тонна пахта «загори кема»ларда терилди. Бу юксак кўрсаткичларга эришишда 2-«Далварзин», Ойбек номи совхозлар, Ленин номи, Навоий номи, «Победа» колхозлари айнисса муносиб ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда ҳам социалистик мажбурият бажарилиб, ҳосилдорлик утган йиллардагига нисбатан анча кўтарилди.

Районда пахта териш ва давлатга топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Бекободликлар ҳосилдан батамом бўшаган майдонларда дала ишларини кенейтер усулида уюштирмоқдалар. Бир пайкалда ғўзапошлар қорчовка қилинаётган бўлса, қўшни далаларда шудор ишлари бошлаб юборилди.

Район пахтакорлари ва механизаторлари беш йилдининг якуловчи йилида ҳам пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик эканлигидан мўл ҳосил етиштиришга нухта замини тайёрлаб кўймоқдалар.

ҒАЛАБАҒИЗ МУБОРАК

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ М. М. МУСАХОНОВГА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ П. Ю. ЮСУПОВГА

Тошкент области колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, тайёрлов ва транспорт ташкилотлари, саноат корхоналарининг коллективлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятини бажарилганлиги билан чин қалбдан табриклайман.

Аминманки, область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари суғориладиган ерларнинг бой

имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда бундан буён ҳам пахта, дон ва бошқа барча экинлар ҳосилдорлигини оширадилар ва улардан олинган ялпи ҳосилни янада кўпайтирадилар, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлайдилар, совет халқи фаровонлигини юксалтириш вазифаларини ҳал этишда муносиб ҳисса қўшадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.
1974 йил 29 октябрь.

СССР БИЛАН ГФР ЎРТАСИДА ОЛИЙ ДАРАЖАДА МУЗОКАРАЛАР

28 октябрда Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР федерал канцлери Гельмут Шмидт ва федерал канцлер уринбосари, ГФР Ташқи ишлар федерал министри Ганс-Дитрих Геншер ўртасида музокара-лар бошланди.

Томонлар СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар ривожланиши-ни яқунладилар. Улар СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларда му-ҳим тарихий босқич бўлган 1970 йил 12 августдаги шартнома асосида ҳамда шундан кейинги ўзаро кели-шувлар ва битимлар асосида ҳар иккала мамлакат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик муевефакья-ли ривожлантирилганини ўқитиб ўтдилар. Иқтисодий алоқаларнинг янада жамиятга янги мамуният билан қай қилинди.

Музокаралар 29 октябрда давом эттирилди.

Музокара амалий ва констру-тив руҳда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва СССР Ташқи ишлар ми-нистри А. А. Громиконинг Германия Федератив Республикаси федерал канцлери Г. Шмидт ва федерал кан-цлер уринбосари Г. Д. Геншер билан музокаралари 29 октябрда Кремлда давом эттирилди.

Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни, аввало сиёсий ва иқтисодий соҳаларда янада ривож-лантириш масалалари диққат мар-казида турди.

Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт Европадаги сиёсий вазиятни обзор қилдилар.

Музокара давом этмоқда.

(ТАСС).

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

ТЕРМИЗ. 29 октябрь. (ЎзТАП). Бугун Сурхондарё об-ласть партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқи-лди. А. К. Каримов область пар-тия комитетининг биринчи сек-ретари қилиб сайланди.

Пленум ишда КПСС Марна-вий Комитети Сийосий Бюрои аъзолигига нахиядиган, Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Ко-митетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ВАТАНГА ҚИЛГАН ХИЗМАТИ
УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Совет Армияси, Ҳарбий Де-гиз Флоти, чегара ва ички қўшини Ҳарбий хизматчиларини мукофот-лаш учун I, II ва III даража «СССР Қуrolли кучларида Ва-танга қилган хизмати учун» орде-ни таъсис этилсин.

2. «СССР Қуrolли кучларида Ватанга қилган хизмати учун» ор-денининг статуси тасдиқлансин.

3. I, II ва III даража «СССР Қуrolли кучларида Ватанга қил-ган хизмати учун» орденининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

Москва, Кремль. 1974 йил 28 октябрь.



I даража «СССР Қуrolли Кучла-рида Ватанга қилган хизмати учун» ордени.

II даража «СССР Қуrolли Кучла-рида Ватанга қилган хизмати учун» ордени.

III даража «СССР Қуrolли Кучла-рида Ватанга қилган хизмати учун» ордени.



I даража «Ҳарбий хизматда ўрнатганлик учун» медали.

II даража «Ҳарбий хизматда ўрнатганлик учун» медали.

«СССР Қуrolли Кучларида Ватанга қилган хизмати учун» орденининг Статутини ҳамда унинг тасвири, шунингдек, «Ҳарбий хизматда ўрнатганлик учун» медали тўғрисидаги Низом ҳамда шу медалнинг тасви-ри иккинчи саҳифада эълон қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ
«ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА
ЎРНАТГАНЛИК
УЧУН» МЕДАЛИНИ
ТАЪСИС ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президи-уми қарор қилади:

1. Совет Армияси, Ҳарбий Де-гиз Флоти, чегара ва ички қўшини Ҳарбий хизматчиларини мукофот-лаш учун I ва II даража «Ҳарбий хизматда ўрнатганлик учун» медали таъсис этилсин.

2. «Ҳарбий хизматда ўрнатганлик учун» медали тўғриси-даги низом тасдиқлансин.

3. I ва II даража «Ҳарбий хиз-матда ўрнатганлик учун» медалининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

Москва, Кремль.

1974 йил 28 октябрь.

ДУСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати Германия Фе-дератив Республикаси федерал канцлери Гельмут Шмидт шарафига 28 октябрда Катта Кремль саройида зиёфат бердилар. Зиёфатда федерал канцлер билан бирга ГФР Ташқи иш-лар министри Ганс-Дитрих Геншер, ГФРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ульрих Зам, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари

Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг бирин-чи уринбосари К. Т. Мазуров, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громи-ко, ВЦПС Раиси А. Н. Шелепин, РСФСР Министрлар Совети Раиси М. С. Соломенцев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев меҳмон-ларга мурожаат қилиб нутқ сўзла-ди.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Мухтарам федерал канцлер жа-ноблари! Мухтарам Шмидт хоним! Хонимлар ва жаноблар! Уртоқлар!

Авалло, олий мартабали меҳмон-ларимиз — Германия Федератив Республикасининг федерал канцле-рини ва Шмидт хонимни табриклаш-га ижозат бергайсиз. Биз вице-кан-цлер ва ташқи ишлар министрини ҳамда Геншер хонимни, Федератив Республиканинг бошқа намоёндала-рини ҳам табриклаймиз. Сизлар Мос-квага келганликлариңиз ва биз бул-

тур Боннда бошланган танишишни давом эттириб, чуқурлаштириш им-кониятига мушарреф эканлигимиз жуда-соз иш бўлди.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи ва ГФР раҳбар арбобларининг учра-шувлари ва музокаралари яхши анъана бўлиб қолди. Бу учрашу-ва музокаралар мамлакатларимиз ўр-тасидаги муносабатларни доимо бе-йитиб келди, ўзаро манфаатли ҳам-корлиқни ривожлантириш ва чуқур-лаштириш ишда янги марраларга чиқиш имконини берди.

Ҳозирги федерал ҳукумат давлат-

ларимиз ўртасида Брандт-Шеел ху-кумати фаолияти даврида вужудга келган ва Москва шартномасида ўз ифодесини топган сиёсий йўлни из-чилик билан давом эттиришга аҳд-қилганлиги Совет Иттифоқида муно-сиб равишда баҳоланди. Москва шартномасини ҳақли равишда тарихий ҳужжат деса бўлади. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги, ГФР билан социалистик мамлакатларни-тубдан соғломлаштириш негизини яратди. У Европада ва ундан бошқа жойларда кўпгина ижобий жараён-ларга жон етди.

ГФР билан ҳар томонлама ҳам-корлиқни ривожлантириш — бизнинг сиёсатимиздаги узоқ муддатга мўл-жалланган принципал йўлдор. Бу йўл КПСС XXIV съездининг қарор-ларидан, съезд қабул қилган тинч-лик программасидан узвий равишда келиб чиқди. Совет-Гербий Герм-ния муносабатларида бурилиш ясе-ш имконлигига, одамларнинг ақл-ид-роки ва хоҳиш-иродаси, сиёсий ва-зиятнинг ривожини бу бурилишни амалга оширишга ҳалақат бераётган тўсиқларни синдириб ташлашига биз ҳамisha амин эдик. Эндиликда бу бурилиш рўебга чиққан факт бўлиб қолди.

Бизнинг янги муносабатларимиз учун салмоқли ва мустақкам пойде-вор яратилди. Қилинган ишнинг аҳа-мияти тўғрисида гапириб, унинг на-тижаларига махлиб бўлиб қолавериш ҳам мумкин, албатта. Аммо бунинг нафи оз. Чамаси, вазифа эришилган натижаларни кенгайтириш, чуқурлаш-тиришдан, уни жуда турли соҳалар-даги ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустақкам тўқимаси билан қопла-шен иборат, давлатларимиз ўртаси-даги муносабатларда навобатдаги бобин очиб, ва уни янги ижобий мазмун билан тўлдириб ҳам кўп куч, қатъият ва, таъбир жоиз бўл-са, сиёсий мардлик талаб қилади.

СССР билан ГФР ўртасидаги му-носабатларининг яхшиланиши ҳеч кимга зиён етказмаслиги мутлақо равшан. Аксинча, бундан мамлакат-ларимиз халқларидан бошқа халқлар ҳам манфаат кўрадилар. Муносабат-ларимизнинг яхшиланиши Европада ва унинг ташқарисида кескинлигини юмшатиш борасида содир бўлаётган жараёнларга гоҳат ҳамонан бўлиб тушади.

(Давоми 2-бетда).



ОБЛАСТИМИЗ янришкор пахтакорлари бунёд этган «оқ олтин» хирмонлари.

А. Абалия фотоси.

«СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ВАТАНГА ҚИЛГАН
ХИЗМАТИ УЧУН» ОРДЕНИНИНГ СТАТУТИ

